

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабининг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон

уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шавну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашулар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2013 йил 25 апрель.

КАСБЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ангрэн иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида касблар фестивали ўтказилди. Тадбирга Паркент туманидаги 22-, Ангрэн шаҳридаги 44-, 45-, 46-мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари таклиф этилди.

Фестивалда солиқ, бухгалтерия, компьютер тизимларини сошлаш ва таъмирлаш, тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш, хўжалик масалалари ҳуқуқшунослик, қишлоқ хўжалигини электриштириш ва автоматлаштириш мутахассисликлари

бўйича кўргазма ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар ўқувчиларнинг касб танлаш имкониятларини янада кенгайтиради ҳамда мақсадлари қанчалик тўғри эканини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.

Ёш иқтидор эгалари

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Китобсеварлар" республика кўрик-танловида вилоятимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Республика болалар кутубхонасида бўлиб ўтган бу йилги танловда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Бекобод туманидаги 1-умумтаълим мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сарвиноз Баҳодирова фахрли учинчи ўринни қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

– Сарвиноз нафақат аъло ўқиси, балки тадбирлардаги фаоллиги ҳамда серқирра истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради, – дейди мактаб директори Райимов Бекмуродов. – У кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичларида



биринчи ўринни олган эди, республика босқичидаги муваффақияти эса бизни янада қувонтирди. Бунда Сарвинознинг танловга тайёрлаган она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ор-

тиғой Эсонова ҳамда кутубхоначиси Ойсара Тўрақулованинг муносиб хиссалари бор, албатта.

Зиёлилар оиласида воғга етаётган Сарвиноз ўзбек ва жа-

пайтда компьютер савдонлигини ошириш унинг сеvimли машғулотига айланган.

Танлов жараёнида Сарвиноз чизган расмлар ҳайъат аъзоларига маъқул тушган бўлса, босиб Баҳодир Абдувалиевнинг оналарга бағишланган "Сукунат" шеърини ифодали ўқиганида, йилгиланларнинг хайратини янада ошди. Жаҳон адабиёти дурдонаси – Гётенинг "Фауст" асари ва юртдошимиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" трагедияси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини нуфузли ҳайъат аъзолари юксак баҳолашди. Компьютерни ишга тушириб, ундан баъзорли фойдаланиши, қўшимча саволларга берган жавоблари ҳам эътибордан четда қолмади.

– Бундай кўрик-танловнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитишда, мустақил ва ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Бекобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Сулаймон Азизов. – Таълим муассасаларида китобсеварликни тарғиб қилиш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш танловнинг асосий мақсадирид.

Каримқул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Қишлоқ мулкдорлари

ТАРМОҚ КЎПАЙСА, ДАРОМАД ОРТАДИ

"Норчонтол" нафақат Паркент тумани, балки бутун вилоят фермерларига кўз-кўз қилишга арзийдиган хўжалик. У, айниқса, икки жиҳатдан намуна. Биринчидан, бугун уни кўп тармоқли хўжалик

Фермерлик ҳаракатининг асосий мақсадларидан бири ҳам шу аслида. 2011 йилда хўжаликнинг банк ҳисоб рақамиди айланма маблағи 245 миллион сўм эди. 2012 йилда бу маблағ 300 миллион сўм бўлди. Шундан 140 миллион сўми соф фойда. Хўжаликда боғдорчилик, узумчилик ва кўчат-

деб бемалол айтиш мумкин. Ҳозир фермер хўжаликларини йириклаштириш билан бир вақтда кўп тармоқли қилиш ҳаракати кучайиб бораётти. Иккинчидан, "Норчонтол" серааромад хўжалик

чилик тармоқлари обдон ривожланган. Саккиз гектарли тоқзордаги "Боян Ширей", тоифи ва қора қишмиш узум навлари занги 5-6 ёшли, яъни айни ҳосил тўқадиган пайти. Жумладан, ўтган йили 20 тонна узум етиштирилди. 27 гектарли олхўри боғи ташкил этилган. "Жануб гузали", "Суперор", "Бертон",

"Самарқанд" қора олхўриси каби навлар – 4-5 ёшли. Ўтган йили ҳосилга кириб, 4 тоннадан ортиқ мева берди. Уч гектардаги семеренко, бешюлдуз, Тошкент борвинкиси навли олма-лардан ҳам ўтган мавсумда 4 тонна ҳосил олинди.

(Давоми 2-бетда).



Долзарб
мавзу

ЯНА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН...

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институту вилоят бўлими "Аёллар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва ақлий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" фаоллари, ички ишлар, прокуратура, ННТ ва ОАВ вакиллари таклиф этилиб, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Қатнашчилар аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, республика Президентининг хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда аёллар фаоллигини ошириш ҳақидаги фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини таҳлил этиб, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, аёллар ташкилотлари ролини кенгайтириш, фаолиятини янада жонлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом, баркамол авлоднинг тарбиялаш кўчатириш масалаларини муҳокама қилишди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИНИНГ ВИЛОЯТДАГИ БАРЧА ФЕРМЕРЛАРГА МУРОЖААТИ

Хурматли фермерлар ва деҳқонлар!

Азиз ватандошлар! Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим бўлини ҳисобланади. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз томонидан барча соҳалар қатори ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг самарасини эса бугун ҳаётимизда, бозорларимиздаги серобликда, дастурхонимиз тўқинлигида кўриб турибмиз.

Қишлоқ хўжалигида ислотларни амалга ошириш жараёнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши қишлоқдаги кўпқаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Айни пайтда фермер хўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Юртбошимизнинг "Фермер бой бўлса, мамлакат обод бўлади" деган сўзлари замирида ҳам ана шундай ҳақиқат мужассам.

Билдирилаётган бундай юксак ишонч ва эътибор Сиз билан биз учун катта шараф, шу билан бирга улкан масъулият ҳам демасдир.

Бугун фермер фақатгина махсулот етиштирувчи бўлиб қолмаслиги таяниб етиштирган қишлоқ хўжалиги махсулотларини ўзингиз қайта ишлаб, бозорларимизни тўлдириб, ортганини четга экспорт қилаётганингизда, аҳолига турли хизматлар кўрсатиб, мавжуд имкониятлардан унмлли фойдаланган ҳолда фаолиятингизни тораба такомиллаштириб бораётганингизда яққол кўришимиз мумкин.

Бунинг учун эса мамлакатимизда Сиз азиз фермерларга барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Бунинг вилоятимизда ана шундай кўп тармоқли фермерлар сонини 2 миңдан ошиб кетди. Эндиги мақсадимиз улар сафини кундан-кун кенгайтириш, қишлоқларда тайёр махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу жараёни янада жаддалаштиришдир.

Шундай экан, билдирилаётган ишонч ҳамда берил-

ётган катта имкониятлар ва имтиёزلарни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фермер ўзининг тақдирини назар билан баҳо бериб, фаолиятини янада такомиллаштириши, ҳамкасбларидан ортда қолмаслиқга астойдил ҳаракат қилиши керак. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўз ишига масъулиятчиларга ёндошишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўилаймизки бу фикрларнинг моҳиятини барча туман фермерлари кенгашлари раҳбарлари, жойларда фаолият юритаётган фермерлар аллақачон яхши англаб олганлар.

Азиз фермерлар! Бугундан бошлаб фаолиятингизнинг асоси бўлган пахтачиликда барчимиз учун синов даври бошланди. Ёзу парваршида 20 апрелдан 20 майгача "Тўлиқ кўчат олиш" зарбдор бир ойлий эълон қилинди.

Бунинг замирида, нафақат фермерларимизнинг, балки бутун мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, куч-қудрати ва фаровон ҳаёти турибди.

Бугунги машаққатли меҳнатимиз ортида юксак ҳалқаро андозаларга мос ўзбек пахта таласининг дунё бозоридаги мавқеи ётибди. Қолаверса, халқаро пахта

ярмаркасида, хорижий шерикларимизнинг бизга бўлган ишончидан дунё ҳамжамиятидаги обрў-эътиборимиз тораба юксалиб бораётгани намён бўлаёттир. Буни барчамиз бундан қўқиб қилиб олмоғимиз шунинг мувофиқ иш тутмоғимиз лозим.

Бугун барча ташаббус ва бор кучимизни даладиларимизга кўчириб, кечани кеча, кундузни кундуз демай эгат оралашимиз эртанги мўл ҳосилни кафолатлайди. Кейинги ишлаб чиқариш жараёнини муносиб ҳиссангизни кўшинг!

Шунингдек, арик, зовур бўйларига терак қаламчалари ва тут ниҳоллари экинг. Дала шийпонларини ўз ишчиларингизни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида камиди 100 бошдан парранда, 2 бошдан сигир ва 5 кутидан асалари оиласи боқини ташкил этинг!

Чигит экинган майдонларнинг четларига ва уватларига сабзавот ва полиз экинлари экиб, улардан юқори даромад олиш учун бор имкониятдан фойдаланинг!

ҳам ўз навбатида бу жараёнларда кўлни қўлга бериб меҳнат қиладилар.

Биз бугун Сиз азиз фермерларга мурожаат қилмоқчимиз.

Хурматли фермерлар, ҳамкасблар! Обод турмуш йилида пахта ва галлага юқори агро-техникалар асосида ишлов бериб, улардан ва бошқа барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга эришинг! Чин маънода халқимиз турмуши ободлигини таъминлашга ўзингизни муносиб ҳиссангизни кўшинг!

Шунингдек, арик, зовур бўйларига терак қаламчалари ва тут ниҳоллари экинг. Дала шийпонларини ўз ишчиларингизни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида камиди 100 бошдан парранда, 2 бошдан сигир ва 5 кутидан асалари оиласи боқини ташкил этинг!

Чигит экинган майдонларнинг четларига ва уватларига сабзавот ва полиз экинлари экиб, улардан юқори даромад олиш учун бор имкониятдан фойдаланинг!

оширинг ва уларни такомиллаштиринг!

Сугорish мавсумида тақчиллик юзага келмаслиги учун фермер хўжаликларида аниқ чора-тадбирлар режалаштириб, даланинг бир текис намланшини ва ҳосилдорлик юқори бўлишини таъминланг.

Хўжалик аъзолари ва мавсумий ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратинг, уларга эътиборли бўлинг, токи ўз иқтидорларини мавсум давомида тўла намён эта олинлар.

Вилоятимизнинг барча туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаларини хўжаликда тажриба орттиришлари учун барча имкониятларни яратинг. Бу билан Сиз талабаларнинг фермерлик соҳасидаги амалий машғулотири бевосита фермерларнинг бугунги фаолияти, ютук ва муаммолари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишлари учун замин яратган бўласиз.

Шу билан Сиз келгусида ўзингиз учун муносиб кадрлар етиштиришга салмоқли ҳисса қўласиз!

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир фермер жорий йил учун "Деҳқончилик мажбуриятларини" қабул қилиши зарур. Фер-

мерлар кенгашлари эса ушбу мажбуриятни назорат қилишни ўз зиммаларига олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хурматли фермерлар, дала соҳиблари! Ер сахий, унга меҳр берган кишини мўл ҳосил билан сийлайди. Сиз ўз халоватингиз, роҳатингиздан кечиб, экин майдонларидан юқори ҳосил олиш учун бошлаган ҳар бир тадбирингиз насиб этса ўз самарасини беради. Бунда биз фермерлар кенгашлари раҳбарлари, фермерлар ва бутун халқимиз бир жон, бир тан бўлиб ишлашимиз керак.

Мамлакатимиз тараққиёти учун қилаётган бу ишларимиз халқимизнинг фаровон, тўқин-сочин, тинч-хотиржам яшашини, фарзандларимизнинг камоли, осуда келажак учун хизмат қилишини барчамиз ҳис қилиб турсак кина кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш мамлакатимиз миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидан изчил олдинга боришига, унинг иқтисодий қудратини ва аҳоли фаровонлигини оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашига биз қўшган ҳисса бўлишини унутмайлик.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Авал хабар қилинганидек, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 19 апрелдаги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 12 май куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 18-Зафар, 36-Оққўрғон ва 45-Келес сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мажлис сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг таркиб-

лари тасдиқланди. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сийсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказилади. Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сийсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сийсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ қарорда сийсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб куйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси. Вилоят сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан эндиликда сийсий партияларнинг Тошкент вилояти кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

Қишлоқ мулкдорлари

Учинчи тармоқ – кўчатчилик ҳам рисоладагидек йўлга қўйилган. Негаки, билган, тушунган фермерга бу тармоқ – осон эришиладиган тайёр даромад манбаи. Қолаверса, яхши нав мева кўчатлари етиштириш билан жиддий шуғулланган фермернинг ҳеч бўлмаганда яқин атрофдаги ҳамкасбларига ёрдами тегади, пировардида боғдорчиликнинг кенг қўлама ривожланишига ҳиссаси қўшилади. Мана, "Норчон-то"нинг ўзидан мисол. Ўтган йилги мавсумда ҳужайра уч гектар ерда 60 минг туп кўчат етиштирди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги бўртмачиларга 120 минг туп тоқ, 50 минг туп терак кўчатлари пул ўтказиш йўли билан етказиб берди.

Энг муҳими – фермер Абдулазиз Абдуносов қишлоқ ҳўжалигининг уч етакчи тармоғини мукамал ривожлантириб, ишонча кирди. Шу боис 2012 йилда ҳўжаликка яна 17 гектар ер кўшиб берилди. Фермер бугунги ишни эртага қўймай, янги берилган ернинг 5 гектарини кўчатчилик учун ажратиб, қолган ўн гектарида янги боғ яра-

тиш ҳаракатини бошлаб юборди. Пакана, ярим пакана нав уч хил олма, нокнинг қулоб ва қишки нашавати навларини экишга тайёргарлик кўрапти. Хуллас, ҳўжаликда тиним йўқ. Фермер доимо изланиш, интилишда. Бу биринчидан, шиддат билан кеча-

ти кадрламасақ, нимани кадрлашимиз керак ўзи?" – Қадрлашяпти, Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат, – дейди Абдулазиз Абдуносов. – Ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий имконияту имтиёзлар етарли. Ер ресурсларини элаганингизча тасарруф

лайдиган янги қувватлар яратмоқда. – Ҳозир ҳўжалигимиз аъзолари 21 киши, – дейди фермер. – Ўн гектарли янги интенсив боғимизни тезроқ барпо этиб оласа, яна камида ўн киши муқим ишли бўлади. Лекин биз бу билан чекланмоқчи эмасмиз. 2016 йилларга бориб, ўзимиз етиштираётган мева ва сабзавотларни қайта ишлаш санатини барпо этмоқчимиз. Яна меваларни сақлаш учун омбор кўрмоқчимиз.

Фермер гап орасида бир муаммони тилга олди. Етказиб бераётган маҳсулотлари пулини вақтида ололмаётган экан. Масалан, "Тошкентпахтасаноат" ҳўжаликдан 26 миллион сўм қарз. Ҳўжалик суди ушбу қарзни пенаси билан тўлаш ҳақида 2011 йилда қарор чиқарган. Аммо, бу пул ханузгача ҳўжалик ҳисоб рақамига тушгани йўқ. Яна бир-икки майда ташкилот ва фермерлар ҳам қарздор экан. "Агар шу маблағларимизни вақтида оласа, қўридаги режаларимизни тезроқ амалга оширадик" дейди фермер.

Абдусамед ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АХМАД (сурат), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.

ТАРМОҚ КЎПАЙСА, ДАРОМАД ОРТАДИ

ёган даврнинг талаби. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалиги аслида шундай соҳа. Бу давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маълумотларидан маълум бўлди, аниқ таърифлаб берилди: "Деҳқоннинг меҳнати, чеккан машаққатини фақат деҳқон билади. Саноат корхонасида ишлаш ҳам албатта осон эмас, лекин ишчи ёки муҳандиснинг иш вақти аниқ. Аммо, айтилган, деҳқоннинг аниқ иш вақти борми? Агарки, шундай меҳнат-

этишингиз мумкин. Бунинг учун менинг фикримча, фермер олий маълумотли мутахассис даражасидаги салоҳиятга эга бўлиши керак. Шунда у бугун қайта-қайта гапирилаётган ва амалий қадамлар қўйилаётган фермер ерларини кенгайтириш ва уларни йирик, кўптармоқли ҳўжаликларга айлантириш йўлидаги талабларга лаббай деб жавоб бера олади. Фермер ҳақ гапни айтди. Шундай давр келдики, энди фақат бугунини ўйлайдиган фермернинг келажа-

сабзавот маҳсулотлари етиштириши кўпайтириши, ҳосилдорлиқни ошириши, қўри самара берадиган боғ ва узумзорлар яратиш учун катта имкониятларга эга. Бугуннинг ўзидаёқ шу тайёр имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ўнлаб фермерлар пахта ва галлачиллик билан бир вақтда чорвачилик, сабзавотчилик, узумчилик соҳаларида самарали фаолият юритмоқда, турли маиший ва савдо хизматини йўлга қўймоқда, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта иш-

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-, 12-, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Кенгашининг бўшаб қолган ўринлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари куйидаги таркибда тузилсин:

18-"Зафар" (Бекобод тумани) Комиссия раиси

Шокиров Қобил Одилевич – Бекобод тумани "Агробанк" бошқарув раиси ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари Хайдарова Раъно Қурбоналиевна – Оққўрғон тумани Болалар ижодиёти маркази бўлим бошлиғи

Комиссия котиби Зиёдуллаева Хуршида Файзуллаевна – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оққўрғон тумани Кенгаши мутахассиси

Комиссия аъзолари Эшмуродов Аҳдам Омонович – Бекобод тумани "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби

Рабиёв Орифжон – Бекобод тумани саноат транспорт касб-хунар коллежи ҳисобчиси

Ёрматова Ортиқжон – Бекобод тумани Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги А. Қозоқбоев маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси

Шокирова Шоира Худойкуловна – Бекобод тумани Далварзин маиший хизмат касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази мудири

Мадраров Бахтиёр Рахмонович – Бекобод туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси

Бекмуродов Шухрат Сотибодиевич – Бекобод туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси

Оққўрғон округ сайлов комиссиясининг маърузчиси: Бекобод тумани Зафар шаҳарчаси педагогика коллежи биноси.

Телефон рақами: (+99890) 946-53-69.

36-"Оққўрғон" (Оққўрғон тумани) Комиссия раиси

Мирзаев Шерзод Иноятиллоевич – Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари Шерматов Файрат Эркинович – Оққўрғон тумани Шоҳрухия қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби

Комиссия котиби Соатуллаев Шодибёр Омонович – Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик коллежи касбий таълим бўйича директор ўринбосари

Комиссия аъзолари Масалиев Исмоил Ибрагимович – Оққўрғон тумани Дўстлик қ.ф.й. Биохимия УБХХЛ раҳбари

Мирзакулов Нематкул Маматкулович

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2013 йил 25 апрель.

– Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Турдиқулов Ўткир Эргашевич – Оққўрғон тумани "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини котиби

Юсупов Бегзод Хайдаралиевич – Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Рўзиев Эркин Йўлбарсович – Оққўрғон тумани 34-мактаб директори

Йўлдошев Маруфжон Абдувалиевич – Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Оққўрғон округ сайлов комиссиясининг маърузчиси: Оққўрғон тумани Шоҳрухия ҚФЙ агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи биноси.

Телефон рақами: (+99890) 935-82-12.

45-"Келес" сайлов округи (Зангиота тумани) Комиссия раиси

Исматов Раҳимжон Узбекович – Зангиота тумани 59-мактаб директори

Комиссия раисининг ўринбосари Рихсибаева Матлуба Гаффаровна – Зангиота тумани "Нуроний" жамғармаси ижрочи директори

Комиссия котиби Саидикаримов Иброҳим Исламоджаевич – "Маҳалла" хайрия жамғармаси Зангиота тумани бўлинимаси раиси ўринбосари

Комиссия аъзолари Шермухамедов Алишер Асамидинович – Зангиота тумани Қўмқот қишлоқ фуқаролар йиғини котиби

Хасанов Абдуқамол Махаматнабиевич – Зангиота тумани Чувалачи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Музаффаров Зафар Зокиржонович – Зангиота тумани ҳокимлиги қошидаги "Хусусийлаштиришга қўмаклашиш маркази" мутахассиси

Садықов Абрарбек Саттарович – Зангиота тумани Келес шаҳри "Уч сада" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Салимов Лазиз Обиджон ўли – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота тумани бўлими кенгаши "Ахборот таҳлил ва ташкилий масалалар бўлими" етакчи мутахассиси

Валиев Элдор Тахирович – Зангиота тумани Статистика бўлими раҳбар ўринбосари

Оққўрғон округ сайлов комиссиясининг маърузчиси: Зангиота тумани Келес кўчаси, 59-мактаб биноси.

Телефон рақами: (+99890) 905-88-08.

У. АБДУШОҲИДОВ.



УРУҒИ САРХИЛ, ФОЙДАСИ МЎМАЙ

Илҳомжон Қалдоров, таъбир жоиз бўлса, 36 йилдан бери далада. Умри деҳқончиликда ўтапти. Бундайларни ўз касбининг устаси дейишади.

Аммо, Илҳомжон буни амалда исботлашга шошилмади. Бошламоқчи бўлган ишининг кетини ўйлади. Тўғри-

да, пишмаган таом қоринини оғритади. У 2006 йилга келиб, ўзига обдон ишонгач, фермер бўлишга жазм этди. Кўп йиллик таърибли деҳқон бўлгани учун ниятига эришди. Ҳатто унга уруғлик пахта ва галла етиштиришни ишониб топширишди.

фермерлар ерларини оптималлаштиришга оид кўрсатмаларига мувофиқ экан майдонларимизни қарийб тўрт баравар кенгайтирдик. Аммо, бугунги шиддатли давр эришилган натижалар билан чекланиб қолмасликни талаб этапти. Чунончи, ҳозир вилоятимизда фермер ҳўжаликларини йириклаштириш ва кўп тармоқли қилишга астойдил киришляпти. Бу биз каби кўплаб фермерларнинг айлани кўнглидаги иш. Шу мақсадда биз ҳам боғдорчилик тармоғини йўлга қўйишни ният қилиб, қўшимча ер олиш ҳаракатидамыз. Қолаверса, кейинроқ бориб, паррандачиликка ҳам қўл уриш ниятимиз бор.

СУРАТДА: фермер Илҳомжон Қалдоров.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИ

Вилоятимизда юрт тақдирини, Ватан равнақига даҳлдорлик ҳисси билан ашайилган, эҳтиёман оилалар ҳолидан боҳабар бўлиб турадиган фермерлар кўп. Писцент тумани Муротали қишлоғилик Аиқул Исоев Тошкент давлат аграр университетига иқтисодини-бухгалтер мутахассислиги бўйича олий маълумот олган, Навоий жамоа ҳўжалигида 1975 йилдан 2005 йилгача иқтисодини, молия маркази бошлиғи вазифасида хизмат қилди.

Шу жаҳдада орттирган кўникмаларига таяниб, 2005 йилда 60 гектар ерда фермерликни бошлади. Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла топшириш шартнома режаларини 2006-2012 йилларда ортиги билан бажарди.

– Бунга эришиш учун аввало маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, экинга сифатли ишлов бериш керак, – дейди у.

Экин-тикиш ва ундан кейинги дала ишларини техникасиб удалаб бўлмагани янги билган фермер ҳўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағини ямади. Иккита чопиқ трактори, иккита тиркама, чизель ва ер текислаш агрегати сотиб олди.

– Янги чиққан техникаларни харид қилишдан чўчимаслик керак, – дей-

ди фермер. – Чунки улар обдон синовдан ўтказилган. 2011 йил Германиянинг "Класс" трактори билан Американинг саккиз қаторли саялкасида чигит эдик. Натихада вақтдан ютдик, намлик узоқ сақланиши ва уруғлики тежашга эришдик.

"Жаҳонгир" фермер ҳўжалигининг 28 гектардаги галласи эрта экилгани боис, киш-қировли кунлар бошлангунча қадар қалин туллади. Бу ҳосил эрта етилиши ва барақали бўлишидан далолат. Майдоннинг қолган 29,7 гектарига эса туманда биринчилардан бўлиб чигит сифатли экиб олинди. Тўлиқ гектарлар ҳосил бўлиши билан биринчи ишловни бошлаш учун чопиқ трактори шай қилиб қўйилган.

Муҳиддин ЭРҒАШЕВ, меҳнат фахрийси.

ЭЪЛОН

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудига ҳойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини таллаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил май ойи учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилди:

- 1. Маргарин (ГОСТ 240-85)
- 2. Шоколад (ГОСТ 6534-89)
- 3. Конфетлар (ГОСТ 4570-93), (O'zDSt 437:2006) (ГОСТ 6477-93)
- 4. Мураббо (ГОСТ 7061-88)
- 5. Кофе табиий (эрвучан) (ГОСТ 291 48-2003)
- 6. Горчица кукунчи (ТШН 64-19695647-02:2007) (ТШН 64-19690957-01:2007) (ТШН 64-19396006-03:2008) (ТШН 64-21158662-03:2008)
- 7. Гармдорги қора (қизил) (ГОСТ 29045-91), (29053-93)
- 8. Лавр бағри (ГОСТ 17594-81)
- 9. Уксус эссенцияси (ТШН 6.1-00203849-08:2004)

Танловда мажор маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тахрибга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолиятни таққиланмаган фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: ҳўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таққиллари солинган конвертлар қуйидаги маъзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳланган конверт 2013 йил 8 май кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:

- маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таққили;
- гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
- лицензия, корхона низоми ва паспорт нусхалари;
- солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
- мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таққиллари солинган конвертларни 2013 йил 10 май кунин Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (4-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиб режалаштирилимоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11.

МУКОФОТ МУБОРАК!

"Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра жамғарманинг бир гуруҳ ходимлари фахрий унвонлар билан мукофотландилар.

Улар қаторида вилоятимиз вакили, жамғарманинг Ангрен шаҳар таянч пункти директори Сакина Пашакулова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг қўйи тизимида "Давлат ёнгин назоратининг ёнгин иш-непектори" кўрик-танлови ўтказилди.

САФДОШИМИЗ ИККИНЧИ

Юқори бал тўплаб, пойтахт миқёсида голиб деб топилган Олмазор тумани ёнгин муҳофазаси 6-Ҳарбийлаштирилган ёнгин ҳавфсизлиги отряди катта муҳандиси Илҳомжон Насриддинов республика босқинчида ҳам фаол иштирок этди ва фахрли иккинчи ўринни эгаллади.



Икки кунлик танлов давомида И. Насриддинов ёнгин хавфсизлиги хизматининг норматив ҳужжатларини пухта эгаллагани, ҳар бир ҳолат юзасидан ўзининг мустақил фикр ва мулоҳазасини билдира олиши, тест синовларида аниқ ва тўлиқ жавоб билан

бошқардан ажралиб турди. Сафдошимиз республика ИИББ ЕХББ раҳбариятининг "Фахрий ёрлик" ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ж. МУҲАМЕДОВ, ИИББ ЕХББ катта муҳандиси.

Хаёт сабоқлари

МЕНГА БАРИБИР, СЕНГАЧИ..?

Тун ярмида Салоҳиддиннинг дарвозаси тақиллади. У эрининггина ўрнидан кўзгалди:

- Ким экан ярим кечаси келган, тинчликмикан ишқилиб?
- Чикиб кўринг-чи, бундай бемаҳалда бекордан бекорга бировнинг эшигини тақиллатишмайди, – деди хотини. Салоҳиддин эгнига тўнини ташлаб, йўлакка чиқди. Кўчада рўпара кўшнинг ранги бўздек оқариб кетган кизи Наргиза турарди.
- Нима бўлди? – шошиб сўради Салоҳиддин.
- Амаки, тез бизни кичи кичиб, дадамларни тинчлантириб қўймасангиз бўлмайди. Ичиб келиб, оймларни калтаклаптилар.

Орадан кўп ўтмай, Салимининг хотини касалхонадан чиқди, лекин бир умрга ногирон бўлиб қолди. Салоҳиддин уни ҳар кўрғанида ўзини-ўзи койиб қўяди. Лекин энди кеч...

Салоҳиддин виждон азобида кетиб борар экан,

ишонгандай ишонадиган, меҳр қўйган кишидан бу гапни эшитиб, йўғлаб юбордим. Тоғам ҳаммасини тушундилар. Қизиги шундаки, бу гапни тарқатганларнинг мақсадини тушуна бўлади. Лекин уларнинг афрофидогилар қилмишини қандай оқлаш мумкин? Ахир уларнинг кўпчилиги соппа-соғлигимни билишарди-ку. Била туриб, “менга нима” қабилида иш тутишди. Ҳозир ҳаммаси ортда қолди. Турмуш ўртоғим нихоятда маданиятли, тушунадиган одам. Оғир дамларда менга суяқчи бўлдилар. Бу яхшиликларини умрбод унутмайман. Ҳозир уч фарзандимиз бор. Ҳаётимдан нихоятда мамнунман. Гоҳида мендан бахтли киши бўлмас керак деб қўяман...

Шу ўрнида Тоҳиранинг бир гапи кишини ўйлантиради. Бу – “кўпчили нима деса мен ҳам шу” қабилида йўл тутувчилар ҳақида. Нега ахир улар бир кун келиб, юзлари шувёт бўлиб қолишини ўйлашмайди?

Ушбу сатрларни битаятиб, “Ғалаба” маҳалла кўмитасининг собиқ раиси, марҳум Тўраҳўжа ака ёдимга тушади. Маҳалладаги каттао кичики беш қўлдек билар, ҳаммага сўзини утказарди. Бирор кишининг бекорга азият чекишига йўл қўймади. Унинг учун барча баробар эди. Ҳозирги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари ҳам шундай йўл тутишса “олам гулистон” бўларди.

тишдан, унинг ота-онасига қизни ёмонлашдан чарчашмасди.

Лекин ёшлар ўз бахтлари учун астойдил курашишди.

– Уша пайларни эсласам, авзои баданим бўшашиб кетди, – дея ҳикоя қилади Тоҳира. – Менинг номимни бадном қилмоқчи бўлган кимсалар шунақанги ошириб юборишдики, асли қўйверасиз. Ҳатто бир кунги тоғам: “Сен тўғрингда ҳар хил мишмилдан юрибди. Мен ишлайдиган институтда ҳам ҳаммамнинг оғзида шу гап” деб қолдилар. Узимга



Қайтага уларга ёмон кўринганим қолади, шунга ҳам ақлинг етмадими?

– Лекин эрталаб ишга кетаётиб, бўлиб ўтган воқеани эшитди-ю, ҳусни бошидан учди. Фирт маст Салим дазмол билан уриб, хотинини бошини ёрибди. Уни оғир ахволда “Тез ёрдам” олиб кетибди.

– Падарига лаънат ичкиликни чикарганни, – гижиниб қўйди у. – Шундай добли, ибоби аёлнинг уволи тутсин! – Салоҳиддиннинг ичини ит тирнади. – Кечаси қизи қақирганда чиксам бўлар экан. Эсиз, уйқуни қизганиб...

маҳалласида бўлиб ўтган яна бир воқеа ёдига тушди.

Тоҳира омилада ёлғиз фарзанд эди. Урта мактабни тугаллаган, олий ўқув юртида тахсил олди. Ақлли, чиройли, кўрган киши уни келин қилсам дерди. Қўшни маҳалладаги Узага тўқ Мақсудхон кетма-кет совчи қўя бошлади. Лекин Тоҳиранинг кўнгли бошқача эди. Қизнинг бу қаршичилигини Мақсудхон ҳам қила олмади. Орага отасининг танишлари – казо-казолар ҳам тушишди. Ҳатто, қизнинг кўнгли кимдалигини суриштириб билгач, у

биринчи ўринни олган. 2011 йилда ўтказилган аънавий тасвирий санъат ҳафталигида Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медалига сазовор бўлган.

Тасвирий санъат фестивали якунида фаол иштирокчилар диплом, медал ва сертификатлар билан тақдирландилар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

буяннинг ҳаммасини тушундилар. Қизиги шундаки, бу гапни тарқатганларнинг мақсадини тушуна бўлади. Лекин уларнинг афрофидогилар қилмишини қандай оқлаш мумкин? Ахир уларнинг кўпчилиги соппа-соғлигимни билишарди-ку. Била туриб, “менга нима” қабилида иш тутишди. Ҳозир ҳаммаси ортда қолди. Турмуш ўртоғим нихоятда маданиятли, тушунадиган одам. Оғир дамларда менга суяқчи бўлдилар. Бу яхшиликларини умрбод унутмайман. Ҳозир уч фарзандимиз бор. Ҳаётимдан нихоятда мамнунман. Гоҳида мендан бахтли киши бўлмас керак деб қўяман...



КЕТМА-КЕТ ЗИЛЗИЛАЛАР ОҚИБАТИ

Ҳитойнинг жануби-ғарбий ҳудудидаги Сичуан вилоятига кеча юз берган 4,8 магнитудали зилзила натижасида айрим уй-жойлар қисман вайрон бўлди, бир неча аҳоли енгил жароҳатлар олди.

Мамлакат сейсмик бошқармаси тарқатган маълумотга кўра, ер силкинишлири вилоятнинг Чаннинг, Гунсян, Синьван каби уездларида қайд этилган. Зилзила ўчоғи 4 километр чуқурликда бўлган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Чаннинг уезида табиий офат сабабли олти киши жароҳат олди. Интернетда босилган фотосуратда бир неча уй жиддий шикастлангани яққол ақс этган.

Ўтган шанба кунини вилоятнинг Лушан уезида юз берган 7 магнитудали ер силкиниши оқибатида 196 киши қурбон бўлган, 21 киши бедарак йўқолган. 2008 йилда шу вилоятнинг Вэнчун уезида 8 магнитуда куч билан ер силкиниши натижасида 80 минг киши қурбон бўлган эди.



Айни пайтда ушбу ҳалокатдан зарар кўрганлар, шунингдек, унинг сабаблари аниқлик киритилмоқда.

ЎНЛАРГА БАРЖАЛАРИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Американинг Алабама штатидаги Мобил шаҳри портда ёнғин тўлалиридан иккита баржа портлаб кетди. Шаҳар ёнғин бошқармаси шу хабарни тарқатди.

Илгари ҳам айнан шу портда табиий газ тўлдирилган иккита баржа дерли бир вақтда портлаб кетган эди. Портлаш шу даражада кучли бўлдики, портдан бир неча километр нарида ҳам унинг таъсири яққол сезилди. Гувоҳларнинг айтишича, Мобил шаҳри марказида эшик-дараза ромлари ваҳимали тарзда қарсиллаган.

Воқеа жойига тез хизмат кўрсатиш бригадаси, шунингдек, қирғоқ муҳофазаси ходимлари етиб келишди. Қутқарувчиларнинг гапига қараганда, ёнғин шу даражада кучлики, уни ўчирмасликка қарор қилинди.

ЧАҚАЛОҚ ҲАҲУРИЛАРИ УШЛАНДИ

Ҳиндистон полицияси ўзининг янги туғилган неварасини бир бизнесчига сотганида гумон қилинган 47 ёшли кишини қўлга олди, деб хабар тарқатди АРР агентлиги.

Панжоблик неваравуруш Фероз Ханнинг айблари тасдиқланса, у етти йил муддатга қамалади. Хандан ташқари унинг икки ҳамтовоғи ҳам ҳибсга олинди. Улар чақалоқни ўғирлаш ва сотишни уюштиришда бувага ёрдам беришган. Энди уларни ҳам қамоқ жазоси кутмоқда.

Тергов жараёнида маълум бўлдики, Ферознинг кизи Нури Хан туғуруқхонада фарзандли бўлган, унинг отаси шу ердаги ҳамшира ҳамда врач ассистенти билан чақалоқни ўғирлаб чиқиб бериш хусусида келишган. Унга харидорлик қилган бизнесмен Ханга 45 минг рупий (тахминан 830 доллар) ҳадя этган.

АРР агентлигининг таъкидлашича, 2011 йил ҳолатига Ҳиндистонда болаларни ўғирлаш билан шуғулланувчи 800 дан зиёд тўда фаолият юритган.

УЙ ҚУЛАБ, ОДАМЛАРНИ БОСИБ ҚОЛДИ

Бангладеш пойтахти Даккидан 30 километр наридаги Савар шаҳрида бир фабриканинг саккиз қavatли биноси қулаб тушиб, одамларни босиб қолган ҳақида хабар тарқатди маҳаллий оммавий ахборот воситалари.

Маълумотларга қараганда, ушбу ҳалокат туғайли 149 киши ҳаётдан кўз юмган, мингдан зиёд одам жароҳатланган. Қутқарувчилар уй босиб қолган қўлаб одамларни харобалар остидан чиқариб олишни давом эттирмоқдалар.

Полиция вакилининг айтишича, бино эгалари унинг авария ҳолатида эканлигини билишган, бироқ ҳеч қандай чора қўришмаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Bolalik bog'i

GUL QACHON OCHILADI?

Husniya o'rtoqlari bilan o'ynashni ko'p yaxshi ko'radi. Maktabdan keladi-yu, papkasini peshayvonga tashlab, ko'chaga chopqillaydi. Onasining: "hoy, qizim, avval choyni ichib ol, keyin bir oz uy ishariga qarashib yuborasan", deganiga parvo qilmaydi.

– Avval o'ynab olay, – deydi oqogasiga qarab: – o'rtoqlarim ham ko'chada-ku.

Haqiqatdan ham uning o'rtoqlari ko'chada edi. Lekin ular boshaq sinfda o'qiganlari uchun uyga ko'pincha Husniyadan oldin kelishardi. Onalariga yordamlashib, darslarini tayyorlab, keyin ko'chaga o'y-nagani chiqardilar.

Husniya ko'chada dugonasi Zulayhoni uchratib qoldi.

Men bugun rasm chizishdan "besh" oldim, – dedi Zulayho. – Ochilgan gulning suratini solgandim.

U shunday deb chopqillaganicha uyga kirib ketdi-da, rasm daffarini olib chiqdi. Rostdan ham chilizgan surat xuddi ochilayotgan atirguliga o'xshaydi.

Husniya buni ko'rib xo'm-rayib oldi. Chunki u ham shunaqa rasm solib, zo'rg'a "uch" olgandi-da.

– Ozgina o'xshatibsan – dedi Husniya sir boy bermaslikka harakat qilib. Meniki bundan ham yaxshi chiqqan.

Lekin baribir Husniya dugonasi bilan uzoq o'ynay olmaydi. Nega deganda Zulayhoning rasmdan "besh", o'zi esa "uch" olgani alam qilardi-da.

Uyga kirsan, onasi yana javradi:

– Avval choyingni ichib ol, keyin menga qarashib yubor, qizim!

– Qarashib yubor, qarashib yubor, deysiz. Dars tayyorlagani qo'ymsiz. Mana, Zulayho rasmdan "besh" olibdi, – dedi Husniya.

– Ha, nima ekan u sen chilozmaydigan? – so'radi onasi.

– Ochilgan gulning rasmi, bildingizmi? – dedi Husniya battar tutuqib.

– Sen ham kun yo'yilguncha o'rtingda yotavermay vaqtli tursang, menga qarashsang, "besh" olasan, tushundingmi, qizim? – javob qaytardi onasi.

– Ana shunda gulning ochilayotganini ko'rsan. O'z ko'zing bilan ko'rsang, chizgan rasming ham o'xshaydi-da.

Husniya boshini bir oz egancha o'ylanib qoldi. U erta turarmikan? Siz nima deb o'ylaysiz, bolalar?

Abdusattor XOTAMOV.

Kўrgazma

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

22-26 апрель кунлари Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Обод турмуш йилига бағишланган "Тасвирий санъат фестивали" бўлиб ўтди.



Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар заллари, Халқаро маданият карвонсаройи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ва Тошкент Фотосуратлар уйида кўргазмалар очилди. Уларда моҳир мусаввир ва хунармандлар, кўли гул усталарнинг рангташвир, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, хаттотлик, халқ амалий санъати ижод намуналари ҳамда миллий либослари намойиш этил-

ди. Ёш ижодкор талаба ва ўқувчилар учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Фестиваль кунлари ижодий анжуманлар, маданият арбобларининг илхомландилар билан учрашувлари, давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Кўргазма залларида ўзбек санъати усталарининг ижоди ва фаолияти тўғрисида фильмлар намойиш қилинди. Фестиваль доирасида К. Бехзод номидаги мемориал бог-музейда Япония маданияти кунлари

ҳам бўлиб ўтди. Кўргазмаларга қўйилган "Сўқоқ", "Дўрмон қишлоғи", "Сижжак", "Хумсон", "Чорвоқ манзараси", "Ҳожикент панорамаси", "Чиноз", "Оқтош", "Оқтош манзараси" каби кўлаб асарлар томошабини беради қолдирилади.

Фестивалнинг фаол иштирокчиларидан бири Малика Бекназарова ёш расмоларнинг республика кўрик-танловида бадий кулолчилик номинациясида

биринчи ўринни олган. 2011 йилда ўтказилган аънавий тасвирий санъат ҳафталигида Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медалига сазовор бўлган.

Тасвирий санъат фестивали якунида фаол иштирокчилар диплом, медал ва сертификатлар билан тақдирландилар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.


Бу – қизик

Кайфиятингиз аъло бўлсин

Физиологларнинг таъкидлашича кун давомида кайфиятингиз қандай бўлиши, уйқудан уйғонгандаги дастлабки дақиқаларга бевосита боғлиқ экан. Уридан кескин туриб кетиш кун бўйи бош оғриги, тез чарчаш, тажанг ва серсарда бўлиб юриш ҳолатларини келтириб чиқараркан.

Шунинг учун кўзингизни очган, жойингизда енгил жисмоний машқларни бажаришга ҳаракат қилинг. Эрталабдан ўзингиз учун ажратилган 10-15 дақиқа кун давомида тетик ва бардам бўлишга ҳамда кайфиятингиз кўтарилишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Рассом хандаси



– Ҳисоблагичлар кўпайгани сайин бизнинг тушумимиз камайиб кетаяпти...

Abdusattor XOTAMOV.

Жиноятга жазо муқаррар

Бугун юртимизда тadbиркорларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун кенг имкониятлар яратилган. Соҳа ривожига бир қанча меърий ҳужжатлар ҳамда тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилан кўйилгани муҳим омил бўлаётди.

Айниқса, хорижий сармоядорлар ва ишбилармонлар учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилгани юртимизда ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, шунингдек, замонавий технологияларни ҳаётимизга кенг татбиқ этишда айни муддаодир.

Ана шундай имтиёз ва имкониятлар самараси улароқ бугун Ўзбекистонда минглаб хорижий ишбилармонлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ҳам Ўзбекистон, ҳам хорижий давлатлар бирдек манфаатдор бўлмоқда. Минг афсуски, юртимизда яратилган ана шундай имконият ҳамда шарт-шароитларни "тушуниб-тушунмай" суистемало қилаётган айрим хорижлик ишбилармонлар ҳам бор экан.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани суди кўриб чиққан қуйдаги ишда эронлик Махсен Голамали Абдоллохонинг ўз фойда-га ҳудудам "чапдаст"лиги яна бир бор кўриниб қолди.

Г. Махсен 2001 йилдан буён "DUNYO-M Со"

масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона раҳбари лавозимида ишлаб келарди. У ўзи таъсис этган мажбурият корхона низомига жуда кўп фаолиятларни киритганди. Хуллас, қаёқдан кўпроқ фойда чиқса, шу ёққа уриб кетишга мўлжалланган низом эди.

дик манзиллини Тошкент вилояти Янгийўл туманига кўчиради.

Шу ўрнида корхонанинг жойини ўзгартиригани билан қонун ўзгармаслиги, бўйнидаги қарздорлик камайиб қолмаслигини, қинғир ишининг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқishi мумкинчилигини эсдаган чи-

қарздорлик қаердан келиб қолганлигини ҳеч ким изоҳлаб бера олмади.

Г. Махсен эса суд жараёнида: "Мен Ўзбекистон қонунларидан бехабарман. Барча ҳисоботларни ҳисобчилар қилган", деб тақрорлашди қанда қилмади.

Одил суд барча тафси-

МЕҲМОН ВА МЕЗБОНЛИКНИНГ ҲАҚИҚАТИ



қарганди.

Г. Махсен судда берган кўрсатмасида ўз айбига иқдор бўлмади. Аксинча, ҳеч қачон мажбурий тўловлардан бўйин товламаганлигини, ҳамма ҳисоб-китобларни корхонада ишлаб кетган ҳисобчи қилганлигини, ўзи эса Ўзбекистонда бу борадаги қонун-қоидаларни билмаслигини ваз қилди.

Г. Махсен Ўзбекистондаги фаолияти давомида яна бир неча корхоналарга асос солди. Аммо уларни ҳам ёлғиз ишлатмади. Алаҳхус ҳисоботлар ўзaro чалқашиб, Г. Махсеннинг тўловлардаги қарздорлиги 50 миллион сўмдан ошиб кетди.

Олиб борилган тафтиш ишларидан кейин бундай

лотларга оидлик киритди. Тергов суриштирув жараёнида вилоятнинг маълум бўлишича, Г. Махсен раҳбарлик қилган корхонанинг давлат бюджетига мажбурий тўлаши лозим бўлган тўловлардан қарзи 20 миллион сўмдан ошиб бўлган. Қўшимча очилган корхоналарнинг ҳисоботлари ва бошқа ҳисоботлар ўзарo чалқашиб, қарздорлик ўсиб кетган. Аслида эса янги очилган корхоналарнинг ақсарияти умуман фаолият юритмаган. Натияжада

Шу ўрнида баъзи мулоҳазаларни айтиш жоиз. Агар бирор жойга меҳмонга борсақ, ўша хонадон қонун-қоидаларига, тўғриси, меҳмонлик одобига амал қилмайди. Чунки ноҳўя ҳаракат қилиб ёхуд одоб чегарасидан чиқиб, шунга яраша жавоб билишини билмайди. Аммо "қаҳрамон"имиз меҳмон ва меҳмонликнинг ёзилмаган иззати борлигини фаҳмламаган чоғи.

Энди бевосита давлатларо хорижий сармовий ҳамкорликка келсақ, у ҳам шундай ўзарo ҳурмат ҳамда тегишли тартиб-тамоийларга асосланиши оидек равшан. Ана шу талаблар бажарилмадими ёки бирор қонун-қоидага амал қилинмадими, буришга путур етди, албатта. Хар ҳолда биз билган ўзбекона тушунчалар шундай.

Ёқуб САИД.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru	Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлари: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 236-55-54. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таъриятини компьютер марказида терилди ва сақланган.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------